Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

1998 йил 1 май жума

Сотувда эркин нархда

№ 88 (1869)

# КЕЧА ТОШКЕНТДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ЎН БИРИНЧИ СЕССИЯСИ ОЧИЛДИ





## БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ЎН БИРИНЧИ СЕССИЯСИ ТЎҒРИСИДА

## АХБОРОТ

30 апрель куни Тошкентда биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн биринчи сессияси бошланди.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этмоқда.

Мажлислар залида Вазирлар Маҳкамаси аъзолари, республика ташкилотларининг раҳбарлари, хорижий давлатлар дипломатик корпусларининг элчи ва вакиллари ҳамда республика ва хорижий оммавий ахборот воситалари мухбирлари ҳозир бўлдилар.

Сессияни Олий Мажлис Раиси Э. Халилов бошқармоқда.

Сессия иштирокчилари дастлаб Олий Мажлис депутатлари Замирахон Холматова ва Супон Тиллаев хотирасини бир дақиқалик сукут билан ёдга олдилар.

Олий Мажлис сессиянинг ишчи органи — котибиятни тузди.

Депутатлар Мандат комиссияси раиси Ш. Мирзиёевнинг маърузасини тинглаб, Олий Мажлиснинг янги сайланган депутатлари ваколатларини эътироф этиш ҳақида қарор қабул қилдилар.

Парламент аъзолари сессия ишининг кун тартибини тасдиқладилар.

Шундай кейин парламент Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси Т.Камоловни Олий Мажлис Раисининг ўринбосари этиб сайлади.

Олий Мажлис Раисининг ўринбосари А. Қосимов Ер кодекси, қишлоқ хўжалик ширкати, фермер хўжалиги, деҳқон хўжалиги тўғрисидаги қонунлар лойиҳалари юзасидан маъруза қилди.

Ер кодекси лойиҳасининг иккинчи ўқишдаги муҳокамасида Фарғона вилояти Бағдод тумани ҳокими А. Абдусаматов, Қорақалпоғистон Республикаси Амударё туманидаги "Оқ олтин" жамоа хўжалиги раиси О.Ҳалимбетов, Андижон вилояти Қўрғонтепа туманидаги "Савай" агросаноат бирлашмасининг бош директори С.Исмоилов, Сурхондарё вилояти "Шерободсувқурилиш" тресги бошқарувчиси М.Бойкелдиев иштирок этди.

Қишлоқ хўжалик ширкати тўғрисидаги Қонун лойиҳасини муҳокама қилишда Тошкент вилояти Бўка тумани ҳокими Р.Обидов, Фарғона вилояти Фурқат туманининг Фурқат номидаги ширкатлар уюшмаси бошқаруви раиси М.Собиров, Наманган вилояти Поп тумани ҳокими Х.Талабоев, Самарқанд вилояти Нарпай туманининг Бобур номидаги агрофирмаси раиси С.Ҳабибов сўзга чиқди.

Фермер хўжалиги тўғрисидаги Қонун лойиҳасини муҳокама этишда Самарқанд вилояти Ургут туманининг Ҳамза номидаги агрофирмалар уюшмаси бошқаруви раиси Э.Отамуродов, Бухоро "Пахтасаноатсотиш" акциядорлик жамияти раиси М.Умаров, Андижон вилояти Жалолқудуқ тумани ҳокими М.Эгамова иштирок этди.

Деҳқон хўжалиги тўғрисидаги Қонун лойиҳаси муҳокамасида Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз тумани ҳокими Ш. Алланазаров, Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл туманининг ёпиқ турдаги "Шўрахон" қишлоқ хўжалик акциядорлик жамияти бошқаруви раиси А. Абдукаримов, Тошкент вилояти Чиноз туманининг Амир Темур номидаги фермерлар уюшмаси раиси Т.Ботиров, Сурхондарё вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари, вилоят қишлоқ хўжалиги бошқармаси бошлиғи А. Лапасов сўзга чиқди.

Депутатлар Ер кодексини тасдиқлаб, Қишлоқ хўжалик ширкати, Фермер хўжалиги, Деҳқон хўжалиги ҳақидаги Қонунларни ҳамда уларнинг кучга кириш тартиби ҳақидаги қарорларни қабул қилдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов сессия иштирокчилари ҳузурида катта нутқ сўзлади. У қабул қилинган Ер кодекси ва бошқа Қонунларнинг агросаноат мажмуида ислоҳотларни бундан буён ҳам давом эттиришда муҳим аҳамият касб этишини алоҳида таъкидлаб, бугунги кунда қишлоқ хўжалик корхоналари ва ташкилотлари раҳбарлари, қишлоқ меҳнаткашлари, бутун Ўзбекистон халқи олдида турган янги вазифаларга батафсил тўхталди.

Президент депутатлар эътиборини ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича дастлабки ва кечиктириб бўлмайдиган вазифаларни амалга ошириш, ҳар бир гектар ердан олинадиган ҳосилдорликни кўтариш, фермер ва деҳқон хўжаликларини тараққий эттириш ва шу тариқа қишлоқ аҳолисининг доимий равишда иш билан таъминланишига эришиш зарурлигига қаратди.

Шундан кейин депутатлар Давлат ер кадастри ҳақидаги Қонун лойиҳасини биринчи ўқишда муҳокама қилишга киришдилар. Бу масала юзасидан Аграр, сув хўжалиги масалалари ва озиқ-овқат қўмитаси котиби П. Шаропов маъруза қилди. Мазкур ҳужжатни муҳокама этишда Самарқанд вилояти Жомбой тумани ҳокими К. Исроилов, Фарғона вилояти Қува туманининг Ш.Рашидов номидаги "Анор" жамоа хўжалиги бошқаруви раиси М.Сайфиддинова, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг кафедра мудири Ш. Йўлдошев, Наманган вилояти Мингбулоқ туманидаги "Истиқбол" жамоа хўжалиги бошқаруви раиси К. Иззатиллаев, Самарқанд вилояти Ургут туманининг Алишер Навоий номидаги халқ корпорацияси раиси А.Зиёев, Тошкент вилояти Паркент тумани ҳокими Т. Холтоев, Ўзбекистон Фанлар академияси Қўлёзмалар институти директори А. Қаюмов сўзга чиқди.

Депутатлар Давлат ер кадастри тўғрисидаги Қонун лойиҳасини биринчи ўқишда маъқулладилар.

Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси лойиҳаси (иккинчи ўқишда) ҳақида Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари Ф. Муҳиддинова маъруза қилди.

Сессия биринчи иш кунининг кечки мажлиси Оила кодекси лойиҳасини муҳокама қилиш билан бошланди.

Кодексни муҳокама қилишда "Оила" республика илмий-амалий маркази директори О. Мусурмонова, Фарғона давлат университети Тиббиёт маркази директори Ю. Нишонов, "Қизилқумнодирметаллолтин" концерни бошқаруви раиси Н. Кучерский, республика ёшларининг "Камолот" жамғармаси раиси Ҳ. Абдураимов, Қорақалпоғистон Республикаси Чимбой туманидаги марказий шифохона туғруқ бўлимининг бош шифокори Д. Тоғаниёзова, Хоразм вилояти Хонқа тумани ҳокими Қ. Ортиқов иштирок этди.

Депутатлар Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексини тасдиқладилар. У 1998 йил 1 сентябрдан бошлаб кучга киради.

Иқтисодий ислоҳотлар ва тадбиркорликни ривожлантириш қўмитаси раиси А.Йўлдошев чет эл инвестициялари ҳамда чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисидаги қонунлар лойиҳалари ҳақида маъруза қилди.

Қонунлар лойиҳаларини муҳокама қилишда Сирдарё вилояти Ховос тумани ҳокими Р.Турдиев, "Файз" акциядорлик-холдинг компанияси бошқаруви раиси, бош директори М. Азимова, "Конструктор" илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори А. Ғуломмаҳмудов қатнашди.

Сармоялар ҳақидаги қонунлар лойиҳалари муҳокамаси якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов сўзга чиқди. У мамлакат иқтисодиётига хорижий капитални бундан кейин ҳам янада кенг жалб этиш, республиканинг бой хомашё салоҳиятини қайта ишлаш учун янги замонавий технологияларни жорий этиш, рақобатбардошли ҳамда жаҳон андозалари талабларига мос келадиган товар ва маҳсулотлар ишлаб чиқариш зарурлигини ҳар томонлама асослаб берди. Республикамизга хорижий сармояларни жалб этиш — иқтисодиётимизни ҳар томонлама ривожлантиришимиз, халқ фаровонлигини оширишимиз учун восита бўладиган омилдир, деб қайд этди давлатимиз раҳбари.

Депутатлар хорижий сармоялар ҳамда хорижий сармоядорларга бериладиган кафолатлар ва уларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилиш ҳақидаги қонунлар ҳамда бу қонунларнинг кучга кириш тартиби тўғрисидаги қарорларни қабул қилдилар.

Депутатлар Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Н. Исмоилов маърузасини тинглаб, иккинчи ўқишда кўриб чиқилган Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисидаги Қонунни қабул қилдилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн биринчи сессияси ўз ишини давом эттирмоқда.

**СУРАТЛАРДА: сессия пайти.**
**Р. ЖУМАНИЁЗОВ ва С. ЗУФАРОВ (ЎзА) олган суратлар.**

---

**Муҳаммад ЮСУФ**

## ФИДОЙИЛАР

*Кубролардан қолгандир бу кўҳна куйлар,*
*Элим деган ҳар бандасин худо сийлар.*
*Ватан деса, икки қўллаб жонни тутган,*
*Фидойилар керак бизга, фидойилар!..*

*Кимга қўрғон — уларга кенг майдон тегар,*
*Мард мушкулни енгар, номард бўйин эгар.*
*Эрк деганга эр йигитлар жондош жигар,*
*Фидойилар керак бизга, фидойилар.*

*Номус учун номни эмас, руҳни ўстир,*
*Оғир кунда ёвдан қочган — ёвга дўстдир.*
*Юрт чорласа сувларни кеч,*
*ўтларга кир —*
*Фидойилар керак бугун, фидойилар.*

*Ким юрт ишқин жонларига жолар қилар,*
*Ким курашиб, кимлар тамошолар қилар.*
*Бир чивинга қанот бўла олмас кимлар...*
*Фидойилар керак бизга, фидойилар.*

*Кўринишдан тупроғидай оддий гоҳи,*
*Ердай хоксор, ердан узилмас нигоҳи.*
*Шердай наъра тортган аммо, керак чоғи,*
*Фидойилар керак бизга, фидойилар.*

*Юрт ишқида ёнмас юрак — юрак эмас,*
*Юрт қадрини билмаганлар керак эмас.*
*Эркка сажда қилмаганлар керак эмас —*
*Фидойилар керак бизга, фидойилар.*

*Миннати йўқ уйда ёвғон ош яхшидир,*
*Ёмон дўстдан йўлда ётган тош яхшидир.*
*Ёрилса ҳам эгилмаган бош яхшидир,*
*Фидойилар керак бизга, фидойилар.*

*Кўнгилда пок ният бўлса, нур булоғи,*
*Чўп минсангиз — Ғўрўғлининг арғумоғи.*
*Озод ўлка қалқонлари, қош-қароғи,*
*Фидойилар керак бизга, фидойилар!..*

---

СЕССИЯ ЗАЛИДАГИ ЎЙЛАР

## УЙҒОНИШ МУБОРАК, ЗАМОНДОШ!

Одам фаолият кўрсатаркан, яшаркан, албатта, у майсадан то самодаги булутларгача кўринмас ришталар билан чамбарчас боғлиқ. Улуғ шоир айтмоқчи, то кичик заррадан юпитергача ҳар сония хабардор бўламиз.

Яшаяпмиз — тасаввур қилаяпмиз. Тирикмиз — атроф-муҳит билан мулоқотдамиз. Жамиятда кечаётган жараёнларга бефарқ қарамаслик, ҳушёрликнинг ўзи ҳам мақсад ва манзилимизни тайин қилиб олганимизга ишорадир. Юртимиздаги ҳар бир янгилик ва ўсишдан фахрлансак, ифтихор этсак, муаммолар ечимини излаб, фидойилик қилсак, куйиб-пишиб, тиришқоқлик билан ҳар қандай ишга дахлдорлик ҳисси билан ёндашсак, демакки, юксалиш пиллапояларини босиб ўтаяпмиз. Улуғ мутафаккирлардан бири «Кеча эрта эди, эртага кеч бўлади», деганди. Шундай экан, бизнинг ҳар бир дақиқамиз ғанимат. Ҳаётни англаш, ўзликни таниш юртга, халққа нисбатан эзгуликлар қилиш, жамият ичра Мен деган улуғ тушунчани асраб, куч-қувватимизни келажак ёрқинлиги йўлида сафарбар қилиш ўтаётган кунларимизга мазмун ва моҳият касб этади.

Юртимиз озодлиги фикримиз, қарашларимизнинг озодлигидир. Шу замин меники, унинг ҳар бир қаричи учун жон нисор бўлсин, деган инсонлар сафи кенгаймоқда. Ортимиздан ҳур ва эркин авлодлар келмоқда. Уларга ишонса бўлади. Демак, бугунги ҳар қайси ўзгариш эртамизнинг нурли бўлиши, Ватанимизнинг гуркираб ўсиши учун замин яратяпти.

(Давоми 3-бетда).

---

# МДҲ: АВВАЛ ИҚТИСОД, КЕЙИН СИЁСАТ

**Хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 28-29 апрель кунлари Россия пойтахтида бўлиб, МДҲ мамлакатлари давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этди.**

Москва саммити Ҳамдўстлик мамлакатлари ўртасидаги муносабатларда сиёсий-иқтисодий англашилмовчиликлар кўпайган, мезбон мамлакат ҳукуматида ўрин алмаштиришлар бошланган мураккаб даврга тўғри келди. Айрим мамлакатлар ҳудудидаги ҳарбий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий муаммолардан ташқари, давлатлараро муносабатлардаги таҳглик ҳам саммит кун тартибини, унга ёндашувни ўзгартириб юборди. Кўпчилик эътироф этганидек, Кишинёв учрашуви бесамар якунланган эди. Баъзи давлатларда юзага келган ижтимоий-сиёсий инқироз, иқтисодий қийинчиликлар МДҲ доирасидаги умумий ҳамкорликни, аниқроғи, интеграцияни иккинчи даражага қўйиб қўйди. Шундоқ ҳам сиёсий масалаларга кўп эътибор бериладиган МДҲ учрашувлари ушбу мойилликни янада кучайтирди. Москвадаги саммитда ҳам ана шундай — "галдаги" масалалар кўрилиши кутилган эди. Лекин...

### МУДДАО ВА ИДДАО

Аслида МДҲга асос солишдан мақсад ўзаро иқтисодий интеграцияни ривожлантириш эди. Бу моҳиятан жуда тўғри, мантиқ ва ҳаётий тажрибалар нуқтаи назаридан қараганда оқил ва одил мақсад эди. Лекин, хайрли ниятга сиёсий тус бериб, ундан обрў орттириш, ўзининг ғаразли мақсадлари йўлида фойдаланишга уринган сиёсатчилар ҳам йўқ эмасди. МДҲ устидан назорат қилувчи тузилмалар барпо этиш, турли ҳарбий-сиёсий блоклар тузиш сингари фикрлар ҳам ўшалардан чиқди. МДҲга ташқаридан қараган киши эса уни ташкил этиш муддаоси ва ташкил этилгандан кейинги иддаолар уйғун эмаслигини яққол англайди. Бу борада Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов тутган нуқтаи назар ҳам ана шу номутаносибликни бартараф этишга қаратилган. Яъни, Ҳамдўстлик доирасида эркин савдо, ишлаб чиқариш ривожи, тенг ҳуқуқли иқтисодий шериклик муносабатлари қарор топишига шарт-шароит яратиб бериш лозим. Зотан, бозор муносабатларига ўтиш даврида иқтисодиётни оқсатиб қўймаслик, оддий фуқаролар турмушига зиён етказмаслик, қолаверса, мамлакатлараро муносабатларга путур кетмаслиги лозимлиги аён. Лекин шу вақтгача айримларнинг иддаоси ўзгача бўлиб келди. Кишинёв учрашуви кўпчиликни қониқтирмаганининг бош сабаби ҳам шунда.

Москва саммити илгариги учрашувлардан шуниси билан фарқланадики, унда оз масала кўрилган бўлса-да, мулоқотлар амалий тус олди. Яъни, у номигагина ўтказилмади. Билъакс, кўрилган масалалар энг долзарб, энг муҳим экани аён бўлди.

Дастлаб МДҲ мамлакатлари давлат раҳбарлари кенгашининг раиси масаласи муҳокама этилди. Натижада Россия Президенти Б.Елциннинг ушбу лавозимдаги ваколатини 2000 йилга қадар узайтиришга келишиб олинди. Бунинг сабаблари бор, албатта. Собиқ иттифоқ парокандаликка юз тутганидан кейин унинг таркибидаги ҳар бир мамлакат мустақилликни қўлга киритди. Б.Елцин бу ташаббусларни қўллаб-қувватлади, давлат қурилишининг демократия тамойилларига асосланган йўлини эътироф этди. Унинг давлат раҳбарлари кенгашига раислик қилиши МДҲ аъзоси бўлган мамлакатлар, хусусан Ўзбекистон тутган нуқтаи назарга ҳам уйғун. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, биз Б.Елцин бошчилигидаги Россия тарафдоримиз.

Ташкилий масалаларга таллуқли яна бир муҳим воқеа Ўзбекистон Бош вазирининг МДҲ мамлакатлари ҳукумат раҳбарлари кенгаши раиси этиб тайинланганидир. Учрашув ниҳоясида таъкидланганидек, МДҲнинг юқори органлари раҳбарлари илгари фақат Россиядан сайланар эди. Шу боис келишувга биноан ҳукумат раҳбарлари кенгашининг раиси этиб Ўзбекистон Бош вазири Ў. Султонов тайинланди. Бу мамлакатимизга кўрсатилган эҳтиром ва ишонч, шунингдек, Президент Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган ислоҳотлар самараси, давлатимиз раҳбари юритаётган оқилона сиёсатнинг эътирофи, Ўзбекистоннинг нуфузи кескин ўсганлигидан далолатдир.

МДҲ ижроия кенгаши котиби этиб, Россия хавфсизлик кенгаши котибининг собиқ ўринбосари Б.Березовский тайинланди.

Москва учрашувини аввалги саммитлардан ажратиб турадиган яна бир муҳим жиҳат — мулоқотлар, баҳс-мунозаралар ниҳоясида энди учрашувларда биринчи навбатда иқтисодиёт соҳасидаги ҳамкорлик билан боғлиқ масалаларни муҳокама этишга келишиб олинди. Тенглик, ўзаро ҳурмат асосига қурилган иқтисодий муносабатлар сиёсат борасидаги мулоқотлар учун асосий пойдевор ва мезон бўлади.

### "ЕТТИ ЎЛЧАБ БИР КЕС"

Бу борада Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов илгари суриб келаётган ғоялар нечоғли муҳим аҳамият касб этаётганига алоҳида тўхталиш жоиз. Давлатимиз раҳбари МДҲга асос солинганидан буён, бу тузилма доирасида биринчи навбатда иқтисодий ҳамкорлик масалалари устувор бўлишига эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлаб келади. Зотан, мустақил Ўзбекистон тараққиётининг Ислом Каримов томонидан белгиланган беш тамойилидан биринчиси ҳам иқтисоднинг сиёсатдан устуворлигидир. Шу маънода Москва учрашувида эришилган келишувда давлатимиз раҳбарининг ҳиссаси салмоқли. Дарҳақиқат, бундай муносабатларда иқтисод сиёсатдан устун тургандагина тенг шериклик қарор топади, давлатларнинг суверенитети, миллий ғururига, лўнда қилиб айтганда, мустақиллигига зиён-заҳмат етмайди.

Саммитда хавфсизлик ва барқарорлик, МДҲга аъзо айрим мамлакатлар ҳудудидаги ҳарбий-сиёсий низоларни бартараф этиш, илгариги учрашувларда имзоланган ҳужжатларни ҳаётга кенг тадбиқ этиш, уларнинг самарадорлигини ошириш масалаларига ҳам эътибор қаратилди. Президент Ислом Каримов Москва сафари олдидан журналистларга берган интервьюсида Ҳамдўстлик доирасида 1300 га яқин ҳужжат имзолангани, лекин уларнинг 10 фоизигина барча аъзо мамлакатлар томонидан мақбул, деб топилганини айтди. Яъни, 12 аъзо мамлакат давлат раҳбарларининг барчаси имзо чеккан ҳужжатлар сони 130 га боради, холос. Ўртадаги номутаносибликни изоҳлашга эса ҳожат бўлмаса керак. Шу боис, мамлакатлар ўртасида муайян ҳужжат имзоланар экан, у ҳар бир давлат манфаатига мос келиши, барча учун мақбул бўлиши мақсадга мувофиқдир. Қисқа қилиб айтганда, давлатлараро ҳужжатларни тайёрлаш борасида "етти ўлчаб бир кес" иборасига амал қилингани маъқул.

Москва учрашуви шуни кўрсатдики, Ўзбекистон тутган йўл демократия тамойиллари, ўзаро ҳурмат ва ишончга асосланган муносабатларни ҳар томонлама рағбатлантиради. Давлатимиз раҳбарининг одил ва изчил сиёсати МДҲ мамлакатлари раҳбарларини Ўзбекистон нуқтаи назарини инобатга олишга ва у ҳақда жиддий мушоҳада юритишга ундаши шубҳасиз. Бўлиб ўтган саммит Ўзбекистон раҳбарияти юритаётган сиёсат, нуқтаи назар нечоғли тўғрилигини яна бир бор тасдиқлади. Учрашув натижаларидан хулоса сифатида айтиш керакки, МДҲ бундан буён янгича руҳда фаолият кўрсатиши мумкин. Саммит сўнггида журналистлар билан бўлиб ўтган учрашувда таъкидланганидек, шу йил ёзда МДҲ мамлакатлари давлат раҳбарлари кенгашининг мажлиси бўлади. Навбатдан ташқари ўтказилажак ушбу учрашувда Ҳамдўстликни тубдан ислоҳ қилиш масаласи муҳокама этилади. Бинобарин, Москва учрашуви МДҲ тарихида янги даврни бошлаб берадиган саммит бўлиб қолса, ажаб эмас.

* * *

29 апрель куни Президент Ислом Каримов Тошкентга қайтиб келди. Пойтахт аэропортида давлатимиз раҳбарини Олий Мажлис Раиси Э.Халилов, Бош вазир Ў.Султонов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, шаҳар ҳокими К.Тўлаганов ва бошқа расмий кишилар кутиб олди.

Кутиб олувчилар орасида Россиянинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси А.Пацев ҳам бор эди.

**Анвар БОБОЕВ,**
**ЎзА махсус мухбири.**
**Тошкент—Москва—Тошкент.**



# САОДАТНОМА



## ЭЪТИҚОД ЙЎЛИ

Эътиқодсизлик инсон учун энг оғир дард. Эътиқодини йўқотган одам ўзлигини йўқотади. Бундай одамда фақат сурат қолади, сийрати эса тобора хиралашиб, нур ўрнини зулмат қоплаб, инсон руҳияти ўз яхлитлигини қўлдан бой бера бошлайди. Ичкиликка берилиш, турли ювуқсиз ишларга бош қўшиш, ҳеч нарсадан ҳазар қилмаслик, лоқайдлик, маънавий қадриятларга беписандлик, на ўзга қадрини, на ўз қадрини билмаслик эътиқодни йўқотишдан бошланади.

Эътиқод йўқолса шахс йўқолади, миллат йўқолади. Шу сабабли эътиқодни шахс маънавиятининг умуртқа поғонасидир, десак муболаға бўлмайди. 70 йиллик тоталитар тузум қарамлиги даврида ўзбек миллати бошига тушган энг оғир фожеа — айни шу «умуртқа поғонаси»га шикаст етказилиши бўлди.

Оллоҳга минг шукрлар бўлсинки, тоталитар тузум ичидан емирилиб, парчаланди, айни ёлғон эътиқод гумроҳлиги бу тузумни аввал бошдан ҳалокатга маҳкум этди. Биз бугун мустақил Ватан эгаси бўлган мустақил эл, мустақил миллатмиз. Ўз асрий қадриятларимизни қайта топмоқдамиз. Динимизга, маънавиятимизга қайтмоқдамиз.

Ҳаёт мураккаб. Жаҳон сиёсати турли йўналишдаги кучларнинг ўзаро ниҳоятда чигал муносабатлари асосига қурилган. Ёшларимизда ғайрат бор, келажакка, ҳақиқатга интилиш бор. Аммо ҳаёт тажрибаси кўпинча етарли эмас, ҳаётий билимлар нотўкис, муаммоларни бир зарбада ҳал қилиб ташлаш истаги кучли. Натижада, баъзан яхшини ёмондан, дўстни душмандан, ҳақни ботилдан, теранликни юзакиликдан ажрата олмай қолиш хавфи туғилади.

Эътиқод масаласида ушбу хатарлар жуда оғир оқибатларга олиб келиши мумкин. Чунки эътиқод жуда қудратли куч. Эътиқод эгасини енгиб бўлмайди. Агар бу йўлда янглиш кетилса, унинг оқибатини ўнглаш ҳам осон кечмайди. Демак, маънавий тарбия, биринчи навбатда, ёшларда эътиқодни тўғри шакллантиришдан бошланар экан.

Маънавий камолот йўли — чинакам эътиқодни шакллантириш йўлидир. Бу йўлда ёшларга, бир томондан, устоз-мураббийлар раҳнамолиги зарур бўлса, иккинчи томондан, ҳар бир шахснинг ўз изланишлари охир-натижада ҳал қилувчи аҳамиятга эга-



дир. Чунки эътиқод маслаҳат ёки насиҳат билан эмас, ички интилиш, шахснинг ўз маънавий эҳтиёжи йўлидаги астойдил уринишлари натижасида пайдо бўлади.

Ислом дини — миллатимизнинг минг йиллик эътиқоди. У Оллоҳ каломи бўлмиш илоҳий китоблардан сарчашма олади. Аммо Оллоҳ ҳақиқати сирли хазинадир. Унинг калитини биринчи дуч келган киши дабдурустдан топиб, дарҳол бутун маънавий бойликларни қўлга киритиши эҳтимолдан йироқдир. Сизу биздан илгари ҳам минг йил давомида аждодларимиз бу ганжина эшикларини бир-бир очиб, тобора ичкари кириб борганлар, маънавий бойликлардан баҳраманд бўлганлар. Улар ўзлари топган ўша бойликларни беҳуда сарф қилиб юборганлари йўқ, ўзлари билан олиб кетган ҳам эмаслар. Барчасини биз келажак фарзандларига мерос қилиб қолдириб кетганлар. Ўша меросгина биз учун Оллоҳ ҳақиқатини чуқур англаб етиш йўлини кўрсата билиши мумкин. Бу ниҳоятда хайрли ўзгариш, эзгу йўналишдир. Аммо шу билан бирга бу йўлда жиддий хавфлар ҳам пайдо бўлаётганлигидан кўз юммаслигимиз керак. Чунки мустақил Ўзбекистон ёшлари онгида бўлаётган ўзгаришларни, уларнинг эзгу интилишларини дўст ҳам кўриб турибди, душман ҳам. Эътиқод жуда буюк қудрат, унинг асосида тарихда улуғ ўзгаришлар амалга оширилган. Шундай экан, бугунги ёшлар эътиқоди қайси йўналишга солинса, мамлакат келажаги ҳам шунга мувофиқ ривож топади. Буни холис инсонлар ҳам кўриб-билиб турипти, ғаразли кучлар ҳам. Биз агар бу ишда озгина бепарволик кўрсатсак, муайян ғараз йўлини тутган кучлар айни нозик жабҳани эгаллаб олишга, ўз қасдларига буриб юборишга уринишлари эҳтимолдан холи эмас. Мустақиллигимизнинг биринчи йилларида ҳам шундай уринишлар бўлган эди, бугунги кунда яна янги хуружлар сезилмоқда. Уларнинг қандай даҳшатли оқибатларга олиб келиши мумкинлигини қўшни юртларда, жаҳоннинг бошқа минтақаларида рўй бераётган фожиали воқеалар яққол кўрсатиб турипти. Ёшларга мурожаат қилиб айтгим келадики, аждодларимиз ибратини унутмайлик, эътиқодга муносабатда уларнинг меросларидан бугунги кунимиз учун мувофиқ хулосалар чиқарайлик.

Аввало, ислом Ҳақ дин, уни аждодларимиз араб қиличидан қўрққанидан ёки моддий ваъдаларига қизиққанидан эмас, чин дилдан ўрганиб, тушуниб, эски ботил эътиқодлар билан қиёслаб, афзаллигига ишонч ҳосил қилгач, ихтиёрий қабул қилган эканлигига иймон келтирмоғимиз керак. Бу хусусда «совет» атеистик тарғиботи олға сурган даъволар тарихий фактларни атайин ғаразли талқин қилиш асосида ўйлаб топилгандир. «Ло икроҳа фи-д-дин» дейилади Оллоҳнинг китобида. «Динда зўрлаш йўқ» дейилиши фақат шиор эмас, балки эътиқод инсон иродасининг ихтиёридаги нарса эканлиги, мажбуран «юқтириладиган» нарса эмаслигини эътироф этишдир. Имом Бухорий «Жоме ас-саҳиҳ» («Ишончли тўплам»)ни тамаъ умидида, ёки бировга яхши кўриниш учун яратмаган. Пайғамбаримизнинг юз минглаб ҳадисларини ёд олиш, уларнинг «заиф» ва «саҳиҳ»ларини ажратувчи илмий асосларни ишлаб чиқиш фақат улуғ эътиқод қудрати билан амалга ошиши мумкин. Маҳмуд Замаҳшарийнинг жаҳонда Қуръони каримга энг мукаммал ва дақиқ тафсирлардан бўлмиш «ал-Кашшоф» асари ҳам ана шундай иймон эгасининг маънавий маҳсулидир. Бундай мисоллар миллий маънавиятимиз тарихида беҳисоб.

Муқаддас китоб Қуръони карим ўзидан олдин нозил этилган «Таврот», «Забур», «Инжил» китоблари билан тарихий тадрижийликда узвий бирлик ҳосил қилганлиги Оллоҳнинг каломи билан неча марта таъкид этилган. Иброҳим, Мусо, Исо алайҳиссаломлар Муҳаммад (САВ) каби Оллоҳнинг расуллари ва уларни бир-биридан устун қўйиб бўлмаслиги ҳам Қуръони каримда қайд этилган. Демак, аждодларимиз эътиқоди бутун инсониятга алоқадор теран илдизлардан қувват олади. Агар биз бугун бир динни иккинчисига зид қўя бошласак, яна нифоқ уруғини сочамиз.

Иккинчидан, аждодларимизнинг тавҳид эътиқодини идрок этиш йўлидаги саъй-ҳаракатларини муайян босқичларга ажратиб ўрганишга уринсак, ажиб ҳақиқатлар кўзга ташланиб боради. Миллатимизнинг бу йўналишдаги маънавий камолоти муайян маънода ҳар бир шахснинг ўзлигини таниш йўли билан ўзига хос мутаносиблик касб этади.

Эътиқоднинг такомилида ибрат ҳамда илмнинг аҳамияти юксакдир. Шу нуқтаи назардан миллат ва шахс эътиқодининг шаклланишида биринчи қадамни ибрат босқичи деб қарасак, иккинчиси илмдир. Ислом маънавиятида тарихан биринчи босқич пайғамбаримиз ҳазрати Муҳаммад (САВ) ҳадисларини пухта ўрганиб чиқиш асосида шакллантирилган ислом ахлоқи ва сунна ибрати бўлса, илм босқичи кейинги бир неча асрларда минтақа олимларининг фидокорона саъй-ҳаракатлари билан амалга ошди. Бу даврда Калом ва фиқҳ, фалсафа ва тарих, сиёсат ва ахлоқ борасида қўлга киритилган оламшумул ютуқлар миллий маънавиятимизни дунёга танитди, илм ва эътиқод уйғунлигини ҳосил қилди. Тавҳид эътиқоди илмий тафаккур даражасига кўтарилди. Аммо аждодларимиз бу босқичда ҳам тўхтаб қолмадилар. XII-XIII асрларда турли тасаввуф тариқатлари шакллана бошлади. Сўфийлар ҳақиқатни фақат пайғамбарлар ибрати ва илмий таҳлил даражасида англаб етишни етарли деб билмадилар, улар ислом маънавиятининг асоси бўлмиш илм ва амал бирлигига алоҳида эътибор қаратдилар.

Ислом маърифатига энди кириб кела бошлаган баъзи ёшларимиз ёки тор фикрли ақидапарастлар исломда илм ва амал бирлигини фақат анъанавий исломий ибодатларга қатъий риоя қилиш маъносида тушунадилар. Албатта, ислом эътиқодида Оллоҳ буюрган фарз амаллар мавжуд. Аммо беш вақт намозга инсон умридан бир кеча-кундузда нари борса, 1-1,5 соати сарф бўлади. Рўза фарзи 1 йилда 1 ой, Ҳаж амали қудрати етган одамга умрида бир марта насиб этса, иншооллоҳ. Аммо йил — 12 ой, бир кеча-кундуз 24 соатдан иборат-ку. Шу туфайли ҳазрати Хожа Баҳоуддин «Ибодат 10 қисм, унинг 9/10 бўлаги ҳалол ризқ топиш, қолгани ўзга ибодатлар», демишлар.

Орифлар даражасида масалага ёндошилса, инсоннинг бутун ҳаёти, хатти-ҳаракати ягона Ҳақ ибодатидан таркиб топмоғи керак. Ўзимиз ва оила аъзоларимизни ҳалол меҳнат билан ризқлантирмоқ — энг улуғ ибодат, миллат ва Ватан олдидаги, башарият ва она-табиат олдидаги инсоний масъулиятимизни теран англаб, ҳаётимизни шунга мувофиқ қурмоқ — Ҳақ олдидаги фарз ибодатимиз эмасми? Кимлар учундир беш вақт намозни ўз вақтида ўқиб қўйиб, қолган вақт дуч келган бозорда ундан олиб, устига беш сўм қўйиб, бунга пуллаб, топган пулидан бир қисм масжидга эҳсон қилиб, буёғига энди Оллоҳнинг жаннатидан умидвор бўлиб юрса ҳам бўлаверар, балки. Аммо миллий маънавиятимиз анъаналари, Оллоҳга беадад шукрким, бу даража ғариб эмас. Ким агар Қуръони карим ва ҳадиси шарифни аслида ёки таржимада бир қур кўздан кечириб, илмим комил бўлди деб ҳисобласа ёки намоз ва рўза билан Ислом амалини мукаммал бажардим деб хаёл қилса, ўзи билади. Аммо бу даражадаги ислом маърифати билан ўзини бошқалардан устун қўйиб, кибрга берила бошласа, ҳатто аждодларимиз меросига, башарият ҳосил қилган беҳудуд маънавий бойликка беписандлик билан муносабатда бўлса, бу унинг ақли ва руҳидаги маънавий ноқислик аломати бўлмайдими? Агар бу маънавий ноқислик асосида ўзгаларга зулм, ғаразли ниятлар ҳаракати бошланса жамият тараққиёти учун жиддий хавф пайдо бўлади. Аммо ўзингни бошқалардан кўра тақводорроқ, ёки очиқроқ айтганда, «Оллоҳга яқинроқ» деб билиш ва шу асосда ўзгаларга муомалада бўлиш асли ислом одобига ҳам, инсонийликка ҳам тўғри келмайди. Ҳақ йўлида, илм ва маърифат, эл ва улус манфаати, Ватан ободлиги йўлида ҳар қанча мушкулликларга бардош бериб, уларни сабр ва эътиқод қудрати билан енгиб ўтиш ибрати миллий маънавиятимизда бизга тасаввуф устозларидан меросдир. Нажмиддин Кубро Ватан ҳимоясида жон берган бўлса, Аҳмад Яссавий эл ва улус маърифати учун риёзат чекди. Абдуҳолиқ Ғиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд каби буюк аждодларимиз ўзларининг бутун яшаш тарзи, ҳаётга муносабати билан авлодларга ибрат бўлдилар.

Нақшбандия ҳикматларини чуқур тушуниб ҳаётга тадбиқ этиш натижасида миллий маънавиятимиз янги босқичга кўтарилди. Ушбу босқични Алишер Навоий ибораси билан «Мажоз тариқи» босқичи деб аташ мумкин. Бу босқичнинг асосий қадрияти меҳрдир. Бу босқич моҳияти кўпроқ бадиий адабиётда, айниқса, Алишер Навоий ижодида ўз аксини топди. Ислом маънавиятида юксак маънодаги бадиий адабиёт тавҳид ҳақиқатини англаб етишда ўз мавқеи ва аҳамиятига эгадир. Мумтоз адабиёт шунчаки «кўнгил хуши» эмас, Борлиқ ҳақиқати ва Инсоннинг Ҳақ олдидаги масъулияти ҳақида жиддий мулоҳазалар, мустақил тафаккур ва иймон асосида қилинган мушоҳадалар маърифат мактабидир. «Хамса» туркумининг пайдо бўлиши бежиз эмас. Беш вақт намозни ҳам исломда «ал-хамсату» дейилади. Алишер Навоий асар хотимасида «Хамса» достонларини беш вақт намозга қиёс этган. Инсоннинг Ҳақ олдидаги масъулияти бу босқичда моддий борлиқнинг ҳар бир унсури, ер ва сув, ҳар бир кўкат ва бута, ер юзида халифа қилиб яратилган ҳар бир инсонни эъзозлаш, уларни тушунишга интилиш, шахснинг ҳаётдаги ҳар бир қадамига масъулият билан ёндашуви маъносида талқин этилган. Тавҳид эътиқоди бу босқичда ибрат, илм, риёзат даражаларидан юксалиб, Ҳақ йўлида Меҳр масъулиятига айлангандир. Алишер Навоийнинг «Хамса», «Лисон ут-тайр» достонлари, «Маҳбуб ул-қулуб» рисоласи мазмуни ўқувчини шу юксак Меҳр масъулиятига ошно этади. Айниқса, «Лисон ут-тайр»-даги шайх Санъоннинг тарсо маликасига ишқи ушбу Меҳр босқичи моҳиятини ёрқин гавдалантириб берувчи бадиий тимсолдир.

Хулоса қилиб айтганда, миллий маънавиятимизда аждодларимиз босиб ўтган эътиқод йўли бугун биз учун ҳам намуна бўлмоғи керак. Ҳақ эътиқоди ибрат, илм, риёзат ва меҳр босқичларидан кўтарилиб борар экан, инсон маънавий камолоти ҳам юксалиб бораверади. Бу босқичларан бири кам бўлса, маънавий комиллик, жумладан, эътиқодда ҳам мукаммаллик бўлмайди. Эътиқод ва жаҳолат, эътиқод ва ғараз, эътиқод ва инсонга зулм бир-бирига зид нарсалардир. Аждодларимиз васияти бу.

**Муҳаммаджон ИМОМНАЗАРОВ,**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси «Миллий маънавият» кафедраси мудири, филология фанлари доктори, профессор.**

## ТАФАККУР ЖИЛОЛАРИ

*Ўйламай сўйлаган охирида пушаймон бўлур, ўйлаб андиша билан сўйлаган саломат бўлур.*

Яҳё Бин МУОЗ

* * *

*«Ҳаёт — илмда, роҳат —*
*маърифатда, завқ — зикрдадир.*

Боязид БИСТОМИЙ

* * *

*Агар бир киши йигирма йил нифоқ шевасига қадам босса-ю, кейин бир соатча бир мусулмон биродарининг манфаати учун қадамини орқага босса, бу ҳол олтмиш йил ихлос ила тоат қилмоқдан яхшидир.*

* * *

*Оқилларнинг яхшироғи улдурки, тавфиққа*
*муваффақ бўлгай.*

* * *

*Тоатларнинг ёмони улдурки,*
*унда ужб (манманлик) қилгай.*

* * *

*Ёмонликларнинг яхшироғи улдирки,*
*унинг ортидан тавба қилгай.*

* * *

*Ҳар кимки адабдан маҳрум қолди,*
*барча яхшиликлардан маҳрум қолди.*

Ибни АТО

* * *

*Бир кун Ибни Ато ҳазратлари*
*ёронларидан сўради:*
*— Одам юксак мартабага қайси*
*нарса билан эришгай?*
*— Кими тоат билан, кими мужоҳада билан, кими риёзат билан, кими садақа ва эҳсон билан... — дедилар. Ибни Ато ҳазратлари эса:*
*— Яхши феъл-хўй билан эришгай, — деди.*

* * *

*Жўнайд* (Ҳазрати шайхул машойих Жўнайд Бағдодий — тақ.)*нинг бир муриди бўлиб, уни жуда севар, бошқа муридлар уни ёқтирмас эди. Муридларнинг бу ҳоли Шайх ҳазратларига маълум бўлди.*

*Хизматкорига буюриб, йигирмата қуш келтиртириб, ҳар бир муридига биттадан берди.*

*— Ҳар бирингиз бу қушларни ҳеч кимса кўрмайдиган хилват бир жойда бўғизлаб келтиринг.*

*Ҳаммаси қушларни кимсасиз бир жойда сўйиб, келтиришди. Ёлғиз ўша мурид қушни сўймасдан шундоқ келтирди. Жўнайд:*

*— Нечун бўғизламадинг? — деди.*

*— Султоним, сиз қушларни ҳеч кимса кўрмайдиган ерда сўйишни буюрдингиз, мен кимсасиз бир жой топа олмадим. Ҳамма жойда Ҳақ таолони ҳозиру нозир кўрдим, — деди. Жўнайд:*

*— Кўрдингизми, қандоқ фаросати бор! — деди. Барча муридлари унинг фарқига иқрор бўлдилар.*

(Фаридиддин Атторнинг "Тазкират-ул авлиё" китобидан)

*Қадим-қадим*
*минорлардай*
*Барҳаётдир*
*орзулар.*
*Оқ қўйлаклар*
*ифоридай*
*Навқирондир*
*туйғулар.*



МУЛОҲАЗА

## САХОВАТМИ ЁКИ МИННАТ?

Жойларда эҳсон тўйлар ўтказиш русум бўлди. Моддияти бундоғроқ оилаларнинг болаларига суннат тўйлар, камхарж ўғлонларнинг никоҳ кечаларини ўтказиб бериш одатга кирди. Астойдил елиб-югурадилар, талай пул сарфлайдилар, бир неча кунги умрларини шу тўйга бағишлайдилар. Сайлга йиғилгандек оломон йиғилади. Тўйнинг доврuғи кўз-кўз қилинади. Фалонча эҳсон қилдик деб, баланд овозда эълон қиладилар! Бу ҳисобот эмас, бу миннат, бу мақтанишдир.

Ниятингиз бева-бечоранинг кўнглини кўтариш эди, шундайми? Сиз уйлантирганингиз шу йигитлар, анови қўли ҳалолланган болаларнинг оиласи қониқиш ҳосил қилди деб ўйлайсизми, келинг, уларнинг руҳиятига бир кириб кўрайлик.

Мана, ўша «тўполон» тўйингиз. Келин-куёвлар қатор туришибди. Айтингчи, телекамерага тушаётган куёв йигитларнинг биронтасини чарақлаган, мамнун ҳолда кўрганмисиз ҳеч? Келиндан ҳам куёв эгилганроқ. Тинмай кўзларини олиб қочади.

Сиз ўзингизнинг никоҳ тўйингизни шукуҳ билан эслайсиз. Бу йигитлар учун ўша тўй оғриқли кундир. Қачон эсласа кўнгли вайрон бўлади.

Қўли ҳалолланган болакайларга келсак, тўйбола бир думаласа, ўн беш ёш бўлади. Бир жўраси ғўрлик қилиб, «Ошна, суннат тўйингни кўплашиб ўтказишган эканми?» деб юборса!

Хўш, бундан чиқди, яхшиликларни тўхтатайликми, дея гина қиларсиз? Йўқ, аксинча. Иложини топсангиз, уч карра оширинг. Аммо овоза қилмай, вакиллар билан ўша хонадонга бориб, тўйингизга қўшганимиз шу дея, топшириб чиқинг. Ўзи сарфлаб, ўзининг номидан ош берсин. Ана ўшанда унга қувонч, сизга савоб теккусидир.

Ўзингиз билмай, устмауст гуноҳлар қиласиз: бизнинг миллатда ҳали туғилмаган боласига «уй солай, ўғил кўрсам, шу ерга келин олай, меҳмонларни шу остонада кутай» дейдилар. Сиз эса кўчалару гузарларда дастурхон ёздирасиз.

Бу тадбирлар ортидан келаётган яна бир нохушлик шуки, «Фалончи мендан ҳам харобми, нега менинг эмас, унинг ўғлини уйлантирасиз?» дейдиганлар пайдо бўляпти экан. Бу инсоний, миллий ғурурга путур етишидир! Бу ўзлигини йўқотишдир. Нафақат олувчи, ҳатто эҳсон берувчининг ўзи ҳам кичрайиб, эҳсоним қаттиқ ботмадими деб, мустарликда туриши керак. Нега менга эҳсон қилмаяпсан деб, юз юладиганларнинг пайдо бўлиши маънавий забунликдир. Бунга биз сабабчи. Раҳбар бўла туриб, бировга қилган яхшилигимизни уялмай миннату реклама қилаверсак... Қарабсизки, кимлардир эҳсонни сўраб олиш ҳам уят туюлмай қолди. Кўтарган «ҳосил»имиз шу!

Мушкулларимиз осон бўлсин, топганимиз савоб бўлсин десак, буюк бир маънавий қадриятимизга амал қилайлик. Ўнг қўлимиз берганини чап қўлимиз билмасин.

**Турсуной СОДИҚОВА, республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказининг бўлим мудири.**

Ажабо!

## ОНА ТИЛИ «ЎҚИТИЛМАДИ». АДАБИЁТ ҲАМ...

Билмадик, балки бир тасодиф туфайли бу «гувоҳнома» қўлимизга тушмаганида бунчалик куйинмасдик, тўғриси, ёқа ушламасдик.

Энди бор гапни эшитинг: Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг **«Таянч маълумот тўғрисида»**ги гувоҳномаси (O'R-D № 143551) Қашқадарё вилояти Китоб туманидаги Лев Толстой номли ўрта мактаб томонидан ўқувчи Наима Жалиловага берилган. Гувоҳномадаги ўқув фанларига қўйилган баҳоларга нигоҳ ташлаймиз:

| | |
|---|---|
| ***«ОНА ТИЛИ*** | ***ЎҚИТИЛМАДИ*** |
| ***АДАБИЁТ*** | ***ЎҚИТИЛМАДИ.»*** |

Кўзларимизга ишонмадик. Тўрт-беш киши бўлиб кўздан кечирамиз. Йўғ-е, наҳотки? Охири ўқувчининг ўзидан сўрадик: «Нима, балки адашиб нотўғри ёзиб қўйгандир?» У чуқур хўрсиниб, истиҳола билан «дарслар ўтилмаган-да»... деди. Сўнг яна бошқа фанлардан олган баҳоларини кўрдик:

| | |
|---|---|
| ***«РУС ТИЛИ ВА АД.*** | ***4 (ЯХШИ)*** |
| ***НЕМИС ТИЛИ*** | ***4 (ЯХШИ)»*** |

Яна қандай изоҳ керак?

Ахир, она тилимиз давлат тили мақомини олганига тўққиз йил тўлаётир. Ўзбекистонимиз эса озодликнинг еттинчи баҳорини кутиб олди. Дунёда ўз ўрнимиз, ўз сўзимиз бор, деб ғурурга тўлиб юрибмиз. Қанча оламшумул воқеаларнинг шоҳиди бўлиб турибмиз. Қолаверса, халқ таълими соҳасида, ўқиш ва ўқитишнинг самарадорлигини янада ошириш мақсадида дунёвий мезонлар асосида Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастур ҳамда «Таълим тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши, шунингдек, шахсан йўлбошчимизнинг кўрсатаётган ғамхўрликлари замирида эртанги авлод тақдирига қайғуриш ҳисси устувордир.

Халқ орасида шундай нақл бор: «Мен не дейман, қўбизим на дейди?» Бу ачинарли (кулгули эмас!) аҳволни қандай баҳолаш Халқ таълими вазирлиги, қолаверса, Қашқадарё вилоятидаги масъул раҳбарлар ҳукмига ҳавола.

Лекин яна бир хавотиримиз бор: ўтган йили худди шу мактабнинг тўққизинчи синфини 26 нафар йигит-қиз «Она тили ва адабиёти»сиз тамомлабди. Бу йил-чи? Ўрта мактабнинг тўла курсини битирган китобликлар ўқув юртларига кираётганларида... қандай фандан имтиҳон топширишар экан?! (Маълум бўлишича, яқин йиллар орасида бу мактабни битирганлардан мамлакатимиз олий ўқув юртларига ҳеч ким ўқишга кирмаган).

**Озод КАРВОН.**

**R.S: Кеча Китоб тумани халқ таълими бўлимига қўнғироқ қилдик. Бўлим мудири йиғилишга кетган дейишди. Услубчилардан бирининг айтишича, Лев Толстой номидаги ўрта мактаб директорининг мутахассислиги Она тили ва адабиётидан экан!..**

